



# Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 август, сешанба, 1997 йил  
Сотувида эркин нархда. № 167 (1684)

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар ичида «Таълим тўғрисидаги Қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг кенг муҳокама этилаётгани фикримизни тасдиқлаб турибди. Биргина Фаргона вилоятининг ўзида мазкур лойиҳалар юзасидан ўнлаб таклифлар тушган. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**Иброҳимжон РАҲМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты,  
Риштон туманидаги 51-ўрта мактаб директори:

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳамда таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаларининг киритилганлиги, биз, ўқитувчилар, халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётганлар учун аниқ муқоаб бўлди. Учрашуларда «Нега халқ таълимини замон талаблари даражасига кўтаришга хизмат қилмадикан, мустақиллик тамойилларига мослашган қонунлар яратилмайдими?» деб савол беришар эди. Президентимизнинг беvosита кўллаб-қувватлаши туфайли таълим тўғрисидаги қонун ва уни беvosита тўлдирадиган, қўллаб-қувватлайдиган қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Табиийки, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат умумхалқ муҳокамасидан сўнггина такомилга етади. Мен қонун лойиҳаларини педагогик жамоаларда, ўқитувчилар ўртасида муҳокама қилиш жараёнида бу ҳақиқатга яна бир бор иқдор бўлдим.

Сўнгги йилларда халқ таълимини ислоҳ этишда талай ишлар қилинди. Таълим тизими янада ривожланыпти. Лекин таълим тарбия бериш ҳозирги кун талаблари асосида, жаҳон андозаларига мос олиб борилиши лозим. Бунинг


учун эса пухта қонунлар зарур. «Таълим тўғрисида»ги қонун айнан шу талабларга жавоб беради, деб ўйлайман. Шу билан бирга, қонуннинг айрим бобларида қуйидаги таклифлар ўз ифодасини топишини истар эдим.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шунини эътиборга олиб, таълим муассасалари тарбия ишларини янада такомиллаштириш мақсадида рақобатдош мактаблар тўғрисида модала киритилса ва унинг Низомилари ишлаб чиқилса, аниқ муқоаб бўлар эди. Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 22-моддаси анча тахрирда муҳтожлиги сезилиб турибди. У «Тарбияси оғир болалар учун ҳар бир туман ва шаҳарларда махсус мактаблар ташкил қилинади ва бу мактаблар тўлиқ давлат таъминотида бўлади» деб ўзгартирилса.

Ҳозирги кунда мактабларни битириб чиқаётган кўпгина ёшларнинг ҳеч қаерда ишламай, бекор юрганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам лойиҳанинг 18-моддаси 1-хатбоши «Умумтаълим мактабларини маълум ихтисослик билан тамомлаган ёшларни ишга жойлаш давлат қафолатида» деган жумла билан тўлдирилса, ўқувчиларнинг, айниқса, юқори синфларда ўқиш иштиёқи бўлган ёшларнинг мактабга ишонч ва ҳурмати ошган бўларди.


**Жаҳод ТОШМАТОВ,**  
Тошлоқ туманидаги Н. Қурбон номи ўрта мактаб директори:

— Жамоамиз билан «Таъ-



Усмон Юсупов туманидаги «Женов» пайчилик хўжалигида ташкил этилган Амир Темури номи боғ довуғини қақшадорликлар яхши билишди. Бу йил болболлар ана шу боғдан 500 тонна ҳосил олишни режалаштиришган.

**ТАСВИРЛАРДА:** Соҳиба Нафасова (юқорида) бодом ҳосили чўғини чамаламоқда; «Женов»нинг бодомлари ана шундай тўқмағиз бўлади; илгир теримчилар (чапдан) Нареза Муродова, Нодира Худойбердиева, Олия Нафасова, Сабоҳат Рашидовалар.



Т. КАРИМОВ тасвири.

## ЎЗБЕКИСТОН -- ВАТАНИМ МАНИМ! ҚАЪБИМ ТЕҲВАРИГА ЖО БЎЛГАН ЮРТ

Мустақиллигимизнинг олти йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Кўҳна тарих учун олти йиллик фурсат бир киприк қоқулик лаҳза билан тенг, холос. Лекин ўтган ана шу қисқа давр мобайнида меҳнаткаш халқимиз кўксини фахр ҳиссига тўлдирган қатор жаҳоншумул тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини бугунги кунда дунёда деярли барча мамлакатлар эътироф этдилар. Мазкур эътирофнинг рамзи сифатида жаҳоннинг мўлабар минбари — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош майдонда тенглар ичра тенг бўлиб, давлат байроғимиз мағрур ҳилпираб турибди.

Мустақиллик ўз навбатида миллий уйғонш — маънавий уйғонишга пухта замин ҳозирлади. Тарихимиз тикланди, ўзгичимизни, она тилимизни англадик, удуларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз қайта кийиб келди. Динга бўлган муносабатимиз тубдан ўзгарди. Йимон, эътиқодимизни

мустақамлаш, рўҳимизни поклаш, тозаши сари юз туддик. Барча мусулмон мамлакатлари аҳолиси каби табаррук Рамазон ва муқддас Қурбон ҳайитларини нишонлаш шарафига мунсасар бўлдик.

Мустақиллик, шунингдек, хорриқдаги ватандошларимиз учун она-юрт жомолига, Ватан дийдорига етишиш имкониятини берди. Уларнинг кўпчилиги илк маротаба дийримизга ташриф бурдилар. Эсимда, улардан бири — етмишини қоралаб қолган, Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган муҳтарам ватандошимиз сўнгги нафасигача мустақил-

## КАДРЛАР КАМОЛОТИ -- КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш давом этмоқда.

Сирдарё вилоят ҳокимлигида ана шу масалага бағишланган йиғилишда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, халқ таълими тизими раҳбарлари, лицей ва мактаблар директорлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ў. Исмоилов бошқарди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев йиғилишда сўзга чиқиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, таълим тизimini чуқур ислоҳ қилиш замон талаби бўлиб, ҳар томонлама етук кадрлар етиштириш маълум маънода буюк келажагимиз қафолати эканини таъкидлади.

Муҳокамада сўзга чиққанлар иккала лойиҳа хусусида фикр юритиб, улар бир-бирини узвий равишда тўлдирishi ва бойитishi, баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши зарурлигини баён этдилар.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров, республика олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов қатнашди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни ҳокимнинг биринчи ўринбосари Н. Каримов бошқарди.

Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов йиғилиш қатнашчилари олдида маъруза қилиб, «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларининг тайёрланиши, уларнинг мақсад ва моҳияти ҳақида сўзлади, миллий аъналар ва давр талаблари асосида тайёрланган мазкур ҳужжат лойиҳаларининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг бундан буёнги ижтимоий-сиёсий тараққиётида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар ҳар иккала ҳужжатнинг айрим бўлим ва моддаларини янада мукамаллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

(ЎЗА).

## ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИНИНГ БУРЧИ

11 август куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг йиғилиши бўлди.

Мажлиси уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов бошқарди. Унда давлатимиз мустақиллигининг 6 йиллик байрамини таъбирлиқ, халқимизнинг маънавий янада юксалтириш, ёш авлодни истиклол роҳига сadoқат руҳида тарбиялаш борасида қаламкашлар олдида турган вазифалар ҳақида гап борди.

Мустақиллик байрами — халқимизнинг асрий орузумидлари, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар армони рўёбга чиққан кўтлар байрамидир. Уни юрдошларимиз тинчлик ва осейинтилик қарор топган, аҳиллик ҳукм сурган шароитда кўтиб олмақдалар. Бу эса адабиёт ва санъатни ривожлантиришга омил бўлаётган. Мамлакатимизда Х11 халқаро Тошкент кинофестивалининг муваффақиятли ўтгани, «Жаҳон адабиёти» журналининг нашр этила бошлагани, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқий фестивалининг ўтказилиши ва бошқа тадбирлар бу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Йиғилишда таъкидландики, ўтиш даврининг муваққат мураккабликлари қарамай, йўлбошчимиз Ислам Каримов фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлаш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Қалам соҳибларининг бугунги кундаги вазифаси эса ана шу ғамхўрликка жавобан мустақиллик гоёларини ватандошларимиз онгига синдириш, ёшларни миллий таълимнинг руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишга эътиросли сўз билан қўмақлашдан иборатдир.

Мажлисада ташкилий масала ҳам кўрилди. Шоир Муҳаммад Юсуф Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари этиб сайланди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўтқир Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

## СОЛНОМА МАМЛАКАТИМИЗДА ШУ КУНИ

Ҳадемай, мамлакатимиз мустақиллигини кўлга киритган кунга олти йил тўлади. Утган ана шу қисқа муқддатда халқимиз ҳар соҳада салмоқли ютуқларга эришди. Иқтисодий, фан, маданият, ижтимоий ҳаётида туб буришлар юз берганлигига ҳаммаимиз гувоҳимиз. Бунга ҳатто хоржиликлар ҳам таян беришмоқда.

Бутун, истиқлолнинг олти йиллик айвон арафасида биз бошиб ўтилган йўлга яна бир назар ташлаб, шу йиллар ичида рўй берган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар, тарихий учрашулар, халқимиз келажаги йўлида қилинган хайрли ишларни яна бир қарра эсга олишни лозим тойдик. Шу мақсадда газета саҳифасида янги руҳи — «Мамлакатимизда шу кун» руқини очдик. Унда...

**1992 йил 12 АВГУСТ**

• Ҳиндистон Республикаси парламентининг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши делегацияси Деҳлида бўлди. Делегация аъзолари сафар чоғида Ҳиндистон парламенти иши билан танишдилар, шунингдек, Ҳиндистон мустақиллигининг 45 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида иштирок этдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Европа парламенти аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

• Матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди.

**1993 йил 12 АВГУСТ**

• Ер юзидаги 25 га яқин мамлакатда республикамиз мустақиллигининг 2 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилиши режалаштирилгани ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинди.

**1994 йил 12 АВГУСТ**

• Австралининг Викториа штати парламенти делегацияси вакиллари Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги иши билан танишди. Меҳмонлар, шунингдек, Бухоро Шарифдаги Миноран Калон, Арк, Мир Араб мадрасаси, Ситоран Моҳи Хоёса, Лаби Ҳовуз сингари тарихий обидаларни зиёрат қилиб, ўзбек халқининг бу қадар бой тарихий меросидан хайратта тушдилар.

**1995 йил 12 АВГУСТ**

• Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси Раҳмонберди Муҳаммаджонов урдушуносликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, шунингдек, Ўзбекистон — Покистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Покистон Ислам Республикасининг «Шарафли меҳнати учун» нишони билан мукофотланди.

**1996 йил 12 АВГУСТ**

• Тошкентда «Маркази Осиёда минтақавий барқарорлик ва ҳавфсизлик» мавзусида халқаро конференция иш бошланди.

• Республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда матбуот нашрига эга бўлган вазирликлар, идоралар вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ташкил этилди.



**Халқимизда: «бошинг тўйдан чиқмасин» деган эзгу тилак жуда урф бўлган. Бу ният замирида омонлик, бахт-саодат, тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик ҳам англашалади.**

Шу маънода, айна кунларда ўзбек элининг «боши тўйдан чиқмай қолганлиги» ҳам рост. Шу йилнинг серфайз баҳоринда Тошкентда бир ҳафта давомида киноусталарининг халқаро анжумани бўлиб ўтган, унда дунёнинг турли еттакчиларидан кўплаб меҳмонлар ташриф бурган эди. Кувонарлими, хоржилик биродарларимиз фестивалда ўзларининг ижод намуналарини билан иштирок этиш баробарида, халқимизнинг беқисс меҳмондўстлигини ҳам баҳраман бўлиб, мустақил Ўзбекистонда содир бўлаётган буюк ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўришган эди. Мен ҳеч иккиланмасдан айта оламан: бутун фестивал давомида хайрат уларнинг доимий ҳамроҳи

## «ШАРҚ БУЛБУЛИ» — ЭЗГУ МАСЛАК

булганди. Бунинг аҳамиятини бирор нарса билан тенглаштириб булармикан? Кўнгли очик элнинг ризиқ ҳам бутун бўлади. Омборлари донга тўлиб, тоғдай юксалган танги ўзбек бугун яхши ниятлар билан яна бир улкан санъат байрамига ҳозирлик кўрапти. Дунё маданий меросининг порлоқ гултожларидан бири бўлиши кўҳна Самарқанда ҳадемай «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилади.

Айна кунларда фестивалга тайёргарлик ишлари қизгин давом этапти. Анжуман дирекцияси раҳбарларидан тортиб, оддий ходимларгача — ҳамма-ҳамманинг қўли-қўлига тегайди. Чунки вақт тобора

оз қоляпти, ташкилий ишларнинг барчасига эса улгурши керак. Яқинда Ташқи ишлар вазирлиги орқали ўндан зиёд хоржики журналистларга таклифнома-лар юборилди.

«Самарқанда халқаро фестивал» деб номланган плакатлар, унинг очилиш ва ёпилиш маросимларига мўлжалланган таклифномалар, фестивал дастури, махсус маълумотнома ва илимий-иқтисодий конференция учун таклифномалар тайёрланмоқда.

Махсус ишчи гуруҳи, шунингдек, фестивалда қатнашиш истагини билдирган давлатлар ва алоҳида ижрочилардан тушган илтимосномалар, видео, аудио материаллар ҳамда тегишли ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, анжуманда жами 126 нафар ижрочи, олтига гуруҳ иштирок этишини маълум қилди.

Фестивалнинг театрлаштирилган концерт томоша-

ларига ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти. Ана шу мақсадда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 200 нафардан зиёд санъаткорлар Самарқанда репетиция қилишяпти. Тайёргарлик машқлари таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида белги-ланган режа асосида олиб бориляпти. Шунингдек, ўша жойнинг ўзида режиссёрлар, рассомлар, техник ходимлардан иборат қирқ кишилик гуруҳ саҳна декорациясини барпо этишда жонқуярлик кўрсатмоқдалар.

Ҳомийлар ҳам қўл қувштириб ўтиришгани йўқ. Хусусан, «Ўздунробита» қўшма корхонаси анжуман маъмурияти учун 8та уяли алоқа телефонли ажратган бўлса, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси фестивалга ташриф бураридан иштирокчиларга бепул авиатранспорт хизмати кўрсатишни ўз зим-

масига олди. «Маҳаллий сааноат» давлат корпорацияси томонидан жами 42 давлатнинг 180 хил рангдаги байроқлари ишлаб чиқарилди. «Ўзбектилсаноат» уюшмаси тизиминдаги корхоналарда 500 дан ортиқ оқ рангли бош кийим, шунча миқдорда фестивал рамзи туширилган кўйлақ ҳамда яктақлар, икки миң дон пахтадан шиланган бежирим сумкалар ва бошқа турли-туман эсдалик-совға буюмлари тайёрлаб қўйилди.

«Шарқ булбули» дея номланган фестивал бош совринининг турли шакллардаги кўринишлари мухтаасселар томонидан кўриқдан ўтказилди. Насиб этса, санъат байрами кунлари ана шу «олтин булбул»га сазовор бўлиш юзлаб фестивал иштирокчиларининг эзгу маслагига айланажак.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



**● 1997 йил — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ ҚИШЛОҚЛАРГА ГАЗ КЕЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги арафасида Вобкент туманидаги Сактафон, Куплос ва Ку-мушкент қишлоқларидаги хонадонлар «зангори олов»дан фойдалана бошлади. Бу хонадонларга, шунингдек, Бобо-шех, Холвагарон, Араблар қишлоқлари тоза ичимлик сув ҳам келтирилади.

Бу қишлоқлар «Зарафшон» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Хўжалик бошқаруви қишлоқларни тоза сув ва табиий газ билан таъминлашдек муҳим ижтимоий вазифани тула ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозир олти километрик газ қувури ва беш километрик сув қувури ётқизиш ишлари низоҳасига етай деб қолди.

Бу ишларни амалга ошириш учун хўжалик ўз даромадидан маблағ ажратди. Жамоа хўжалиги инсон манфаатлари йилида қишлоқларни сув ва газ билан таъминлаш муаммосини тула ҳал қилмоқчи.

**КЎРКАМ БИНОЛАР — ЮРТ КЎРКИ**

«Сурхондарёдеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари анъанавий касб байрами — Қурувчилар кунини ёруғ юз билан кутиб олди. Раимжон Насриддинов раҳбарлик қилаётган бу жамоа «Деҳқон қурилиши жамияти» деб аталса-да, вилоят маркази — Термиз шаҳрида ҳам кўркам ва муҳташам бинолар бунёд этиб, шаҳарликларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Аэропортнинг янги биноси, нефть маҳсулотлари корхонаси, «Пахтабанк»нинг вилоят бўлими биноси ва шарқона меъморчилик анъаналари асосида қурилган бошқа бир қанча иншоотлар шу азамат қурувчилар жамоаси томонидан барпо этилди.

Қурувчилар республика мустақиллигининг 6 йиллиги байрамига вилоятнинг турли туманларида янги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданий-маиший биноларни фойдаланишга топшириш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**● ТАДБИРКОРЛИК**

Илгари «Чилонзор» мавзеининг 10-даҳасида 24-гастроном буларди. Бу ҳудудда яшовчи аҳоли, айниқса, ёши улут одамларнинг айтишича, кейинги ўн йил ичида мазкур дўконнинг шакли ва иш юритиш тартиби неча мартага ўзгартирилди: пештахталар гоҳ узунасига, гоҳ кундалангига урнатилди, алоҳида-алоҳида бўлимлар ташкил этилди, ҳатто унинг ўзи хизмат усули қўлланилди... Бироқ маҳсулотлар тури кўпаймади, сотувчиларнинг муомаласи қўполлигича қолаверди. Оқибатда мижозлар, яъни харидорларнинг сони тобора камайиб бораверди. Бугунги кунда эса бу ерда бутунлай бошқача манзара ҳукмрон. Сабаби...

Икки йил аввал совиқ гастроном урнида «Дониёрбек» хусусий корхонасининг замонавий озик-овқат дўкони ташкил этилган, маҳсулотлар тури 250-300 тага етказилди. Сотувчилар эса танлов асосида ишга

Тажрибали деҳқон учун август ҳосил тўплаш, жинзорларга барака эндириш оёи. Бу ҳикматни теран англаб етган Чуст туманидаги «Сабзозор» жамоа хўжалиги пахтакорлари мавжуд 353 гектар майдонда мўл ҳосил тўплашга эришдилар.

**СУРАТДА:** хўжалик ишчиси Дилбар Маширапова бўлиқ кўсақлар юксак хирмондан нишона эканлигидан мамнун.

**Т. МАҲКАМЗОДА** олган сурат.



**● АЁЛ АЗИЗ**

**Республика ижтимоий таъминот вазирининг биринчи ўринбосари Озода Абдуллаева аёлни энг муқаммал гўзаллик, деб билди. Унга заррача зиён-заҳмат ёхуд пугур етишини сира-сира истамайди. Зеро, у билан сўхбатимиз ҳам ана шу ҳақда.**

— Аёл, қолаверса, шифокор бўлганингиз учун ҳам аёллар саломатлиги ҳақида кўпроқ қайғурингиз, табиий. Хуусан, аёллар ногиронлигининг муаммоларидан ҳаминча безовтасиз...

— Аёл ҳаминча эъозга муносиб. Шунинг учун ҳам Амир Темур ҳазратларининг меҳр-муҳаббатини қозongan Бибиҳоним, Амир Умархонни ўзининг нафақат гўзаллиги, балки ақл-заковати билан лол айлаган Нодирабегим, ёғилларга қарши қурашда мислсиз жасоратлар кўрсатиб, юрт тупроғини муқаддас билан Тумариснинг доврўғи асрлар оша яшаб келмоқда.

Аёл ҳаминча улуғлашнича муносиб. Буни Мустақиллик ва Истиқлолдан сўнггина англай бошладик. Шўролар даврида арзон ишчи кучига айланган хотин-қизларимизнинг қалр-қиммати, жамият ва оиладаги ўрни бугунги кунда холисона баҳоланмоқда.

Мустақил юртимизда хотин-қизлар ҳаётининг сермазмун, кут-баракали бўлиши, уларнинг соғлом авлоднинг униб-ўсиши, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат ишларида фаол қатнашиши учун давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу йилнинг июнь ойида «Ўзбекистонда аёллар ногиронлигининг муаммолари ва уларни тиббий-ижтимоий реабилитацияси» мавзусида республика илмий-амалий конференциясининг ўтказилганлиги фикримизнинг аққол исботидир.

— Аёллар ўртасида ногиронлиқнинг оғиб кетишига асосан нималар сабаб бўлмоқда? — Аёллар ногиронлигини келтириб чиқаришда биринчи ўрин-

ни қон айланиш тизими, иккинчи ўринини асаб ва сезги аъзолари, учинчи ўринини сўяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима, кейинги ўринларини эса, овқат ҳазм қилиш аъзолари, хавфли

тиклаш ишларининг комплекслиги бемор ва ногиронларнинг мунтазам кузатув остида бўлишларини таъминлайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, реабилитация марказларида ногиронларга

**ГЎЗАЛЛИКНИНГ ОҲОРИ ТЎКИЛМАСИН**

ўсмалар, камқонлик ва ўпка касалликлари эгалаб турибди.

— **Ногиронларнинг реабилитацияси борасида вазирлик тизимида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Аввало, шунинг айтиш керакки, Тошкентда Миллий реабилитация маркази очилди, унинг зиммасига республикада аёллар ногиронлиги муаммоларини илмий таҳлил қилиш ва ечимини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шунингдек, таянч ҳаракати узвийти касалликларида ногиронлар реабилитацияси маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳудудий реабилитация марказларини очиб режалаштирилмоқда. Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ туманидаги «Ийк Ота» жамоа хўжалигида «Енграк» халқаро жамғармаси ёрдамида болаликдан ногиронлар учун, Сирдарё вилоятида эса 120 ўринга мўлжалланган ногиронлар ва меҳнат фахрийларини соғломлаштириш реабилитация марказлари қуриляпти.

— **Ташкил қилинётган реабилитация марказларининг афзал томонлари борми?** — Албатта. Чунончи, давлатнинг узвийлиги ва қайта

нафақат тиббий хизмат, балки ижтимоий, касбий ёрдам ҳам берилди.

Марказларнинг асосий вазифаларидан яна бири, реабилитация мажмуасини тула ўтаган ногиронларнинг аниқ бир касб ёки меҳнат турини бажара олишлари борасида уларга руҳий-психологик ишонч ҳосил бўлишини таъминлашдир. Руҳиятида ижобий ҳаёт йўналишлари пайдо бўлиши ва ривожланиши ногироннинг жамиятга интеграциясини тезлаштиради.

Ташкил этилётган марказлар ногиронларнинг реабилитацияси — эксперт диагностика тизимини яратиш, ногирон аёлларнинг ҳаётий функцияларини ривожлантиришга қаратилган муволажаларни ўз ичига олади. Шунингдек, унинг вазифаси ижтимоий масалаларни йўналтириш ва ташкиллаштириш, ногиронларни пенсия, моддий ёрдам ҳамда реабилитациянинг техник мосламалари билан таъминлашдан иборат. Касбий йўналтириш, ўқитиш ва қайта ўқитиш, ишлаб чиқариш режимига мослаштириш, рационал ишга жойлаштириш каби тиббий-ижтимоий, касбий реабилитация тизимларини яратишдек устувор йўналишлар бўйича фаолият кўрсатиши даркор.

— **Реабилитация ишларини ташкиллаштириш ва ривожлантиришда чет мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганми?**

— Кейинги йилларда ногирон аёллар учун реабилитация мосламаларини яратиш бўйича кўзга қўринарли ишлар амалга оширилди, десам муболага бўлмайди. Чунончи, уларни сифатли протезлар билан таъминлаш мақсадли «Ортопедия» акционерлик жамияти ва исроиллик мутахассислар билан ҳамкорлик-

улардан 13192 нафарига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиб келинапти. Махсус ташкил қилинган техникум ва ҳунар-техника билим юрталарида 600 дан орტიқ хотин-қиз таълим олмоқда.

— **Реабилитация ишларини ривожлантириш, жойларда марказларнинг очилиши ва уларнинг кадрлар билан таъминланиши тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Шунинг унутмаслик керакки, вилоятларда, туманларда ва йirik шаҳарларда ташкил этилётган ногиронлар реабилитацияси марказлари соғлиқни сақлаш тизимининг эски касалхоналари ва маъмурий бинолари ўрнида жойлаштирилган эмас, балки замонавий, давр талабларига тула жавоб бера оладиган ҳақиқий шифо масканлари бўлишига эришилгани лозим. Шундангина ногиронларнинг, шу жумладан, ногирон аёлларнинг меҳнат қобилиятини қайта тиклаш, уларни касбга ўратиб ва мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари қаторидан жой олишларига имконият яратилади.

Етуқ мутахассис кадрларни тайёрлаш учун эса, тиббиёт институтлари ўқув дастурларига реабилитология ва тиббий-меҳнат экспертиза асослари бўйича ўқув соатлари киритилиб, алоҳида курс, миллий реабилитация марказида клиник ординатура ва аспирантура очиб шару. Шунингдек, Миллий марказ ва шифокорлар малакасини ошириш институти негизда реабилитация марказлари ва ТМЭК (тиббий меҳнат экспертиза комиссияси) шифокорларнинг малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида аёллар ногиронлиги муаммолари ва уларнинг ечимини билан шуғулланувчи вазирликлараро кенгаш барпо этилса, айна муддао бўлади.

Хуллас, аёл — тенгсиз бир гўзаллик. Уни асраб-авайлаш барчамиз учун масъулиятли ва савобли вазифадир.

**КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ**

Сурхондарё вилоятидаги марказий кутубхонада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат» мавзусида китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазма беш бўлимдан иборат бўлиб, Ватанимиз тинчлиги, Ишон манфаатлари йили, иқтисодий ислохотлар, Ўзбекистоннинг янги тарихи, Маънавий баркамоллик йўли мавзуларида нашр этилган китоблардан ташкил этилди.

Фотима ИСЛОМ қизи.



**ЗУҒУМНИ ТҲТАТИШГА УНДАДИ**

**КОХИРА. Фаластин йўлбошчиси Ёсир Арафот Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқига мурожаат қилиб, Исроил раҳбариятининг фаластинликларга нисбатан ўтказилган зуғумини тўхтатишга ундашгани сўради.**

«Фаластин мухториятига қарашли ҳудудларнинг расман қамал ҳолатида қолгани, бу ҳудудга араблар кириш-чиқишининг ман этилиши, оммавий вайшда ҳибсга олиш ҳоллари, текширув ва таъқиблилар — буларнинг барчаси фаластинликларга нисбатан ўтказилган геноциднинг белгиларидир», дейилади унинг мурожаатида.

**ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ**

**СТОКГОЛЬМ. Швеция билан Латвия ўртасида фуқароларнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга визасиз кириб-чиқиши тўғрисидаги шартнома имзоланди.**

Мазкур ҳужжатга кўра, ҳар икки мамлакат фуқаролари Швеция ёки Латвияга визасиз кириб, у ерда уч ойгача яшаш ҳуқуқига эга. Бироқ шартнома Латвия қочқинлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияга қўшилгандан кейин қучга кирарди.

**МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛМАЯПТИ**

**РИМ. Италия ташқи ишлар вазирлиги Босния ва Герцеговинанинг Римдаги элчиси билан алоқаларни вақтинча тўхтатди. Вазирлик эълон қилган баёнотга кўра, бу ҳолат то Босния ва Герцеговина ҳукумати ўз элчилари номзодларини аниқ белгилаб, тасдиқламагунча давом этади.**

Маълумки, Дейтон битимига кўра, Босния ва Герцеговина ҳукумати 1 августта қалар ўзининг хорихдаги элчилари рўйхатини тузиб, расман тасдиқлаши керак эди. Бироқ бу мажбурият ҳалихануз бажарилгани йўқ.

**ТИНЧ ЙЎЛ МАЪҚУЛ**

**ТБИЛИСИ. Грузиянинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш тинч йўл билан амалга ошириши зарур, деб баёнот берди АҚШ штаблари раҳбарлари кўмитаси раиси — генерал Жон Шаликашвили Тбилисига ташрифи чоғида.**

Кўшма Штатлар генерали АҚШ ҳукумати, қолаверса, бошқа мамлакатлар ҳам Абхазия мижозорини тинч йўл билан ҳал этиш жараёнига ҳисса қўшишга тайёр эканини маълум қилди. Шунингдек, у журналистлар билан учрашувда «Генерал Шаликашвили ҳозирги лавозимдан истеъфого чиққач, Грузия мудофаа вазири бўлармиш» қабилидаги овозларнинг асоссиз эканини айтди.

**ҲУКУМАТ НУҚТАИ НАЗАРИ**

**ДЕҲЛИ. Бош вазир Кумар Гужрал Хиндистон парламенти куйи палатаси йиғилишида кимёвий қуроолларни ишлаштириш тақиқлаш тўғрисидаги халқаро конвенцияга нисбатан мамлакат ҳукумати нуктаи назарини баён қилди. Бош вазирнинг ушбу баёнотига кўра, миллий ҳавфсизликни сақлаш шарт-шароитлари тақозо этса, Хиндистон мазкур халқаро шартномадан чиқиши мумкин.**

Гарчанд Хиндистон кимёвий қурол ишлаб чиқаришини бошламаган бўлса-да, лекин бунга етарлича имкониятлари мавжуд. Бу имкониятлар Хиндистонга қарши кимёвий қурол ишлаштиш фикридан воз кечмаган баъзи давлатларнинг тажовузкорона ҳаракатларига қарши омилдир, дели жумладан К.Гужрал.

**ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ БАЁНОТИ**

**ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Фаластин Миллий Маъмуриятини Яқин Шарқ ҳудудида ялли ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризмга қарши кураш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришга чақирди.**

Ўз навбатида Исроил ҳукумати ҳам Исроил-Фаластин муаммосини бартараф этишга ўзининг «бир ёқлама ҳаракатларига» барҳам бериши лозим, дели Мадлен Олбрайт хоним Вашингтондаги Миллий матбуот клубида бўлиб ўтган учрашувда.

Шунингдек, у шу оининг иккинчи ярмида Яқин Шарққа сафар қилаётганини ҳам айтди.



**«ДЎКОН — МИЖОЗЛАРНИКИ»**

**ПОЙТАХТДАГИ «ДОНИЁРБЕК» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ АНА ШУ ТАМОЙИЛ АСОСИДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА**



қабул қилинди. Натижада кунлик товар айланishi 15-20 минг сумдан 150 минг сумга етди.

— Бу ерда айтарли сирнинг ўзи ҳам йўқ, — дейди дўкон директори Дониёр Бадалов. — Биласиз, савдонинг муваффақияти кўп жиҳатдан сотувчига боғлиқ. Ҳозирги кунда биз 42 шоҳобчадан маҳсулот оламиз. Улар билан шартнома тузишдан аввал, албатта, пештахта ёнида



турган сотувчилар билан «Қандай товарларни қанча миқдорда оламиз?» Умуман, шу маҳсулотлар керакми-йўқми» деган масалалар юзасидан фикрла-

шамиз. Қабул қилинган товар қанча тез кетса, кейинги шартномани тузиш шунча тезлашади. Аини пайтда дўконнинг қошида новвойхона, мака-

рон ва қандолатчилик цехлари ишлаб турибди. Сут маҳсулотлари комбинатдан машинада келтирилади. Колбасалар, гўштлик рулетлар, сон гўштлири, дудланмалар хусусий фирмалардан олинади. Қаҳвахонада эса доимо қайноқ кофе, маъданли сув, кока-кола ичимлиги муҳайё. Бу ерда бошқа озик-овқат дўконларида учрамайдиган яна бир бўлим бор: ундан рўзгорингиз учун зарур

вилкалар, қошиқлар, чойнақлар, пиёлалар, ҳар хил ошхона анжомларини топишингиз мумкин. Топганда ҳам, ҳамёнбоп нархларда топасиз.

Харидорлар бу ерга бир стакан кофе ичман деб кириб, узлари учун бирон-бир маҳсулотни ҳам харид қиладилар ёки, аксинча, маҳсулот сотиб оламан деган ниётда ташриф бўлган киши бир стакан кофе ҳам ичиб кетади.

— Қувонардиси шуки, — дейди 10-даҳа маҳалла кўмитасининг раиси Р. Исмоилов, — биз дўкон жамоаси билан яқин алоқа урнатганмиз. Бу икки томонлама фойда келтираётир.

— Бизнинг доимий мижозларимиз бор, — суҳбатга қўшилади Дониёр ака. — Дўконимиз — уларнинг дўкони. У одамлар учун қурилган ва одамларга хизмат қилади.

**И. ҲОТАМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири. **СУРАТЛАРДА:** «Дониёрбек» хусусий дўконининг савдо залларида. **В. СУЧКОВ** олган суратлар.

• ИСТИҚЛОЛ МУШОЙРАСИ

Омон МУХТОР

МЕНИНГ УЙИМ

(Укам Асқар Қосимни эслаб)

1 Барчалмасинга ҳам ўй ўйимиз бор. Лекин Катта бир ўй бор! Мамлакат. Бу ўйни -- ўйим, деб бешаш мўмин дунёда КАТТА бир инсонлар фақат...

4 Бу ўйни мениг марта тузганлар. Бу ўйни мениг марта тузганлар. (Тўй, дейсизми?! Кўйми?! -- Мениг марта тузганлар бу ўйни!) Барибар, сиз узра юзганлар -- Билмасалар, йўл қайда, остона қайда?! Ҳақиқат қайда?! Афсона қайда?! Афсонадан кўрар эди -- укам Асқар Қосим...

5 Ота-бобаларга қалбдан эҳтиром. Ҳурматларим бўлсин -- акаларга ҳам! Бирок мендан кичиклардан, укаларимдан -- Мен кўпроқ ўрсандим! Ор деб билмайман. Бу ўй -- бизнинг ўйимиз эканлигини Сен таъкидлар эдинг, укам Асқар Қосим...

6 Бу ўй ҚАНДАЙ беизди?! -- энди бизга бошиқ. Уй -- бизники... Одам -- чумоли, дейишди. Бўлмаган гап! Бир ОДАМга ҳам кўп нарса бошиқ -- ДУНЁДА



• ТАНИШИНГ: ДИЛШОД КАТТАБЕКОВ

Исми-шариф одамзотга берилгучи энг олий мукофот ва ҳеч ким торттиб ололмайдиган кутлуг мерос -- муқаддас бойликдир. Чунки унинг замирида ота-оналаримизнинг ихлос ва эътиқоди, орзу-хаваслари мужассам. Ҳеч эътибор қилганмисиз, бундан 20-25 йиллар илгари туғилган қизларнинг орасида САНОБАР

Орамизда Дилшодга ҳавас билан боқмаган, унинг янгроқ овозини танимаган инсон топилмас керак. Мен ҳам кўпчилик қатори, қанийди, бир марта бағримга босиб, шу болакайнинг пешонасидан ўпсам, деб ният қилиб юрардим. Яқинда у билан танишиб, дўстлашиб олдим. У менга ота-онаси, акалари Ойбек, Отабек, укаси Бехзод ва 4 яшар хушовоз синглиси Умидахонлар ҳақида гапириб берди. Дилшод Каттабеконинг ҳали биз эшитмаган қўшиқлари ҳам кўп экан.


-- Дилшод, ойинг нима иш қилади? -- Овқат қилади, кир ювади. -- Қўшиқ айтишни ҳам биладими? -- Йўқ, билмайди, қўшиқ ўргатишни билади. -- Катта бўлсанг ким бўласан? -- Ҳам қўшиқчи, ҳам футболчи бўлман. -- Ҳеч футбол ўйинига тушганисан? -- Тушганман. «Пахтакор» ва МХСК командалари уйини. Ушанда пахтакорчилар иккию бирга юртани далам ва Нажим бобом билан стадионда кўрганман. -- Футболга тушган яхшими -- концерт томоша қилган яхшими? -- Футболга тушган яхши. Чунки футболда гол урилади. Ҳамма хурсанд бўлиб кетади. Концертда одамлар унчалик кўп суюнишмайди. -- Дилшод, қўшиқларинг фonoграмм билан айтиш осони ёки ўзинг айтсанг яхшими? -- Узим айтсам яхши. Fonoграммда, одамлар гул бераётганда, ўпаётганда микрофон озгизман узоқлашиб қолса ёки қўлимдан тушиб кетса ҳам, овозим чиқиб тураверарди. Узим айтмаётганим барибир билиниб қолади. -- Қўшиқ айтганнингда ҳеч қийналасанми? -- Йўқ, қийналмайман-у, фақат одамлар гул берарман

исмиллари жуда кўп. 90-йилларнинг бошларида эса ўғлонларга ДОСТОН деб от қўйиш урф бўлган эди. Бугун ДИЛШОД деган яна бир чиройли исм оммалашиб бормоқда. Буларнинг ҳеч бири шунчаки тасодиф эмас, балки санъатга шайдолик, санъаткорга бўлган интилиш ва яқинлиқнинг тимсолларидир.

-- Живачка, телевизор, машина беришларини хоҳлайман. -- Живачкани шунчалик яхши кўрасанми? -- Чўчиганим учун ҳам, у билан кечаю кундуз бирга юрман-да! Илгари «Туркистон» ширкатлар уюшмасида дирек-

Лекин барибир иккю маҳоратининг зўрлиги учун у одамларнинг назарига тушди. Улар бизга боланинг ҳали жуда ёшлигини эътироф этиб, байрамда қатнашиш-қатнашмаслиги ҳақида бир қарорга келиб, хабар беришларини айтишди. Қайтиб кетдик. 14 август куни Тошкентга -- Маданият ишлари вазирлигига тез етказиб келишимиз тўғрисида шошилинчнома олдик. Келаятганимизда, йўлда автобусни узоқроқ кутишга тўғри келди. Шунда хаёлимга: «Мабодо, байрамда янги қўшиқ айтиш шарт бўлса-чи! Шейрни қаёқдан топамиз?» деган фикр урилади-ку! Қарангки, ўша лаҳзанинг ўзиндаёқ «Озод элнинг ўғлиман» деган шеър ўз-ўзидан куюлиб келди. Дарров қозғоручка олдим-у, қоралаб қўйдим. Тошкентга келгач, ростдан ҳам уч кун шеър қилдирик. Бирортаси бастакоримизга ёқмади. Ҳалиги қоралама эсла ҳам йўқ, чунки шеър ёзиб, кўрсатиб юрмаганман-да! Туртинчи кунни нима бўлди-ю, Равшанжон дипломати оғса, ҳалиги қозғор тўрибди. Анор Назаров ёнимизда эди, дарров олиб ўқиди. «Мана, шеър тайёр экан-ку!» деб суюниб кетди. Уч кун ичида мусиқаси тайёр бўлди. Дилшод ҳам уни жуда тез, фавқулодда маҳорат билан ўзлаштириб, иккю этди.

ОЗОД ЭЛНИНГ ЎҒЛИМАН



нийсан, Дилшод? -- Ҳаммасини танимаман! -- Улар сенга нима дейишди? -- Фуломжон Ёқубовга «Туркистон бир...» қўшиғини айтиб берганимда, «Илоийи, сенга кўз тегмасин, туфтуф!» -- деган. Фаррух бобом билан биринчи марта кўришган имизда, «Тишлаб олгим келпти-да, сени!» -- деганди. Қозим Қайюмов эса «Мустақиллик кунни сени ўзим кўтариб чиқаман» деган вальсани бажарди: ростдан ҳам байрамга кўтариб чиқди...

Дилшоднинг сўзларини бераво, бепасанд тинглаш мумкин эмас. Унга қараб беихтиёр энтикаман. Эндигина мактабга бориш учун тайёрларлик кўраётган бу кичкинтой ўқини, ёзишни мукаммал биларкан. Менга исми-шарифини, яшаш манзилини, телефон рақамларини ўз қўлчалари билан ёзиб берди. Дастхати ҳам биндийдек. Сўхбатимиз давомида Дилшод нималаридир ёзиб-чиқиб ўтирди. У қозога туширган тасвирларни кўздан кечириман. Биринчисида гул ва микрофони чизиб, тепасига «БАЙРАМ» деб ёзиб қўйибди. Демак, жажжи санъаткор байрам деганда гулни, қуй ва қўшиқни тушунаркан-да! Иккинчи расмда қўлларига гул ва музқаймоқ тутган болалар қулиб турган қуёшга қараб учиб кетишяпти. Бу учур тасаввур Дилшод Каттабековгагина хос бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. Уни яна саволга тутаман: -- Сенга қанақа совга беришларини хоҳлайсан?

Дилшодни тўйда топганман, дейди у. -- Очиғи, ўшанда уч ёшга ҳам тўлмаган бир қарич болани қўшиқ айтириш учун шундан-шунга обкелиб, қийнаб нима қилишаркин, деб сал ранжигандим ҳам. Унга гал келганда, микрофонга сира бўйи етмагач, кўтариб туриб, қўшиқ айтирдим. «Тўйболани» шунчақ қўямга етказиб айтилдики, лол бўлиб, ёкамни ушлаб қолдим. Шу-шу Дилшод билан «оғайни» бўлиб қолдик. 1995 йил 9 август куни биз мустақиллигимизнинг 4 йиллиги муносабати билан ўтказилган қўриқ-таловда қатнашдик. Дилшод «Армон», «Тўйбола» қўшиқларини айтди, ҳали унинг ўз қўшиқлари йўқ эди.

• ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ҲАЙРАТ САЛТАНАТИ Қадим Хиванинг тош қўчаларидан одимлар экансиз. Беихтиёр икки минг йил ортга қайтгандай бўласиз. Шарқона қурилган, ажиб дид билан безатилган обидалар олис тарих ҳақида сўйлаётгандай туюлади. Ичонқалъа ёдгорлик мажмуаси таркибига кирган барча мачит, макбара, мадраса, минора ва музейлар бугун давлат муҳофазасида.

МУҲИМ ИХТИРО Дунё тараққийоти автобилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Автобилларни - тормосиз. Демак, телиги тобора ортиб бораётган машиналарга арзон ва сифатли тормос суюқлиги ҳам керак. Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология институти олими профессорлар Р. Қўлматов, Д. Юсупов, ҳовент Х.Тураев билан ҳамкорликда санаот чiqиндилари ҳамда бошқа маҳаллий хомашедан шундай тормос суюқлигини ишлаб чиқди. ИХТИРОГА республика Фан ва техника давлат қўмитасининг 3574-рақамли патенти берилди.

ТАБИАТ — СЕҲРАИ ОЛАМ ФОТОНИГОҲ Қояларда сераиқор бургут, Қўшиқ қуйлар жилга сувлар. Тоғ эқиси сакраб ўйнайди, Тиним билмас ёнинг қуйлари. Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ХОЯТИНИ ҚИЗЛАР СЎЙЛАЙДУ. ШУ йилнинг 11-15 август кунлари Наманган вилояти Қосонсой туманида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб мамлакатимиз қишлоқ хотин-қизларининг навбатдаги XXXII спартакиадаси ўтказилди.

Мухаммад Раҳимхон Соғий -- Феруз номдаги тарих ва адабиёт музейи Хива хонлигининг энг сўнгги даврларини ўз ичига олади. Музейда ўша даврларда зарб қилинган тангалардан торттиб, Хоразм аскарлари ишлатган қурол-яроғлар, Хоразм Халқ Республикаси байроғи ҳам сақланмоқда.

Мени кўпинча бир савол қийнайди: нега хорижлик қанчадан-қанча сайёҳлар, меҳмонлар ёхуд делегациялар Самарқанду Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларимиздаги қадимий иморатлар, ёдгорликлар, макбаралар, мачити мадрасалар ва музейларни келиб кўришадими-ю, бизнинг кўпчилигимиз буни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз? Бугунда, ўзганимизни таниб, дунёга ўзбек номини шоён қилаётган, йиллар давомида дол қилинган қадри-мизни алиф мисол тутта бошлаганимиздан кейин юқоридаги оғриқли саволга жавоб топгандайман. Шўро давлатининг халқни манкуртлаштиришга қаратилган манфур устомон сиёсати оқибатига ўхшайди бу.

OPPORTUNITIES FOR TRANSLATORS BBC World Service Monitoring gathers news from Central Asian broadcast and press sources. Our office in Tashkent is looking for translators into English with an excellent- preferably native-level-knowledge of any of the following languages: UZBEK, UIGHUR, TURKMEN, KYRGYZ, PASHTU. Those interested should contact Surayo Nurullayeva on 686212 or 406446 during office hours ( 09.00 to 18.00) Monday to Friday.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ АНЗОН 5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан 1 курсдан арқали фария димитий

Абу Райҳон Беруний номиди Тошкент давлат техника университети жамоаси университетнинг илмий ишлар бўйича проректор муовини, доцент Э. Тураева оналари Ойниса Тўраеванинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи А. Абдурахмоновга укаси Абдуманноп АБДУРАҲМОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Руйхатдан Утиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қозғор бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев. Навбатчи — Х. Абдурахмонов. Мусахҳахч — А. Сатторов. «Шарқ» наприёт-матбаа кошерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топширини вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6